Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 101 (9087). • 1987 йил 29 май • жума • Баҳоси 3 тийин.

ВИЗИТ ТУГАДИ

БУХАРЕСТ, 27 май. (ТАСС махсус мухбирлари) КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев расмий дўстлик визитини тугаллаб, бугун Руминиядан жўнаб кетди. У РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан РСРга борган эди. КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетди.

Бухарест — Отопень аэродромида СССР ва РСР давлат байроқлари кўтарилган, аэропорт биносида табрик транспарантлари осиб қўйилган эди. Учиш майдонида Руминия қуролли кучларининг фахрий қоровули саф тортиб турди.

Фахрий қоровул бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига рапорт берди. Оркестр икки мамлакатнинг Давлат гимнларини ижро этди. Артиллерия салюти — 21 марта отилган залп аэродром узра акс садо беради.

М. С. Горбачев билан Н. Чаушеску фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар.

ИЛ—62 авиалайнери зинапояси олдида совет раҳбарини ва унинг рафиқасини Н. Чаушеску рафиқаси билан кузатиб қўйдилар. Улар меҳмонларга оқ йўл тиладилар.

Кузатиб қўйиш маросимида РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, Руминиянинг бошқа партия ва давлат арбоблари, СССРнинг РСРдаги ҳамда РСРнинг СССРдаги элчилари ҳам иштирок этдилар.

Руминия пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари совет раҳбари билан самимий ҳайрлашдилар, пионерлар гуллар тақдим этишди.

Мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамкорлигидаги автомашиналар кортежи аэропорт сари ўтиб борган шаҳар йўллари ва майдонларида иккала мамлакатнинг давлат байроқлари, икки партия ва халқ дўстлиги шарафига табрик сўзлари ёзилган транспарантлар осиб қўйилган эди. Бухарест аҳолисидан ўн минглаб кишилар совет меҳмонини кузатиб қўйиш учун шаҳар кўчаларига чиқдилар.

* * *

М. С. Горбачев жўнаб кетиш олдидан Бухарест бўйлаб сайр қилди. У Руминия пойтахтининг тарихий-архитектура ёдгорликларини, диққатга сазовор бошқа жойларини кўздан кечирди, кўплаб уй-жой қурилаётган районларни, политехника институтини бориб кўрди.

Н. Чаушеску совет раҳбари билан бирга бўлди.

ДАВРЛАР ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАБ



Совет шарқида социализмнинг қарор топиши, тарихий-революцион романчиликни ривожлантириш тажрибаси ва истиқболлари 27 май куни Самарқандда ўз ишини тугатган ёзувчилар Бутуниттифоқ конференциясида муҳокама қилинган асосий мавзу бўлди. Конференция Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари муносабати билан ўтказилди.

Конференция қатнашчилари муҳокама қилинаётган проблемаларнинг муҳимлиги жамиятни қайта қуриш, янгилаш жараёни авж олиб бораётган ҳозирги бурилиш даврида айниқса актуал эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Совет шарқи кўп миллатли адабиётида тўпланган тарихий-революцион роман яратиш тажрибасини чуқур таҳлил этадиган пайт келди. Айни мана шу жанрдаги асарлар халқларни ўтмиш билан боғлайди, мураккаб тарихий жараёнларни акс эттиради. Революционерлар образи, уларнинг порлоқ истиқбол йўлидаги жасорати жуда катта маънавий таъсир кучига эга бўлиши лозим. Ажойиб санъаткорлар М. Горький ва К. Федин, М. Шолохов ва А. Фадеев, А. Серафимович ва А. Толстой яратган дастлабки совет романлари йирик эпик асарлар эканлиги тасодиф эмас. Кўплаб сўз санъаткорлари уларнинг китобларидан, шунингдек бутун рус адабиётидан ўргандилар.

Бугунги кунда КПСС XXVII съезди ва партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг ижод учун кенг имкониятлар очиб берган материалларига қизиқиш мислсиз ортиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу соҳада ёзувчи зиммасига ҳаётни барча қарама-қаршиликлари ва қийинчиликлари билан ҳаққоний ва ҳалол тасвирлашдек катта масъулият юкланади. Ғоявий бўшашувчилик, хом, майда мавзуларга, рўзғор икир-чикирларини тасвирлашга ўралашиб қолишга қарши курашиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Конференция қатнашчилари қардош адабиётларни ривожлантиришда рус тилининг роли тобора ортиб бораётганлиги тўғрисида гапирдилар. Бадиий адабиёт таржимонларининг роли ортиб бормоқда. Миллий маданиятларнинг ўзаро бойиб бориши кўп жиҳатдан таржимонлар истеъдодига боғлиқ.

Совет Шарқидаги Октябрдан олди ва Октябрь даврини тасвирлаш мураккаблиги ҳақида, бу воқеаларни соддалаштириб тасвирлаш мумкин эмаслиги тўғрисида, тарихий ҳақиқатга содиқ бўлиш зарурати ҳақида СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. Суровцев, М. Каратаев (Қозоғистон), А. Эркебаев (Қирғизистон), А. Мухтор (Ўзбекистон), В. Оскоцкий, С. Есин (Москва), бошқа сўз санъаткорлари гапирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СМК КЕНГАШИГА КЕЛДИ

БЕРЛИН, 27 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Совет делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ишида қатнашиш учун бугун Берлинга келди.

Шу куни Совет делегациясининг аъзолари ҳам ГДР пойтахтига етиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни, делегация аъзоларини ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг раиси В. Штоф, ГДРнинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ГДРдаги элчиси В. И. Кочемасов бор эди.


* * *

Совет делегациясининг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида иштирок этиш учун 27 май куни Москвадан Берлинга жўнаб кетдилар. Делегацияга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бошчилик қилмоқда.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов бор.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, Н. В. Тализин, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

• ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ •





● ОҚҚУРҒОН районидаги Вотинцев номли колхозда культивация оби-тобида, агротехника қоидалари асосида ўтказилмоқда. Айниқса, бу иш 116 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган Худойберди Аҳмедов бошлиқ бригадада намунали олиб борилмоқда. Ҳосилдорликни пландаги 30,5 центнер ўрнига 35 центнерга етказиш учун курашаётган пахтакорлар айни кунларда ғўзаларни иккинчи культивациядан чиқардилар. Суратларда: ишлов бериш пайти; (ўнгда) хўжаликнинг тажрибали механизатори Суюн Ғопназаров.

А. Зуфаров фотолари.

30 центнер учун

ОЙБЕК номли совхознинг Зокир Тўхтабоев бошлиқ бригадаси пахтакорлари мавжуд 105 гектар майдондаги чигитни текис ундириб олдилар. Коллективда ҳозир барча агротехника тадбирлари ғўза ривожига қаратилган.

Моҳир механизаторлар ВЛКСМ XX съезди делегати Бекмурод Тошбоев, Ҳидирали Холматовлар кунига 6—7 гектар майдонга иккинчи маротаба ишлов бериш билан бирга гектарига 150 килограммдан минерал ўғит солишяпти.

Яганалашда эса Ж. Боқозорбоева, Ў. Ёрбоевалар бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Коллектив далалари асосан сизот сувлари яқин жойлашган майдонлардан иборат. Тажрибали сувчилар Н. Султонов, О. Дониёровлар ана шуни ҳисобга олиб, эгатлараро сув тарашни тадбиркорлик билан ўтказишяпти.

Бригада пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни гектар бошига пландаги 26,5 центнер ўрнига 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Р. ЭСОНОВ,
Бекобод райони.

РАЙОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

БЎСТОНЛИҚ. (Телефон орқали олинди). «Ленинград» колхози сут-товар фермаси чорвадорлари Ўлуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейига қадар 585 тонна сут етиштириш мажбуриятини олишган эди. Коллектив аъзолари куни-кеча районда биринчилардан бўлиб давлатга маҳсулот топшириш режасини йиллик планини адо этдилар. Қабул пунктларига 325 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди.

Бу ютуқни қўлга киритишда тажрибали соғувчилар Тинди Абдураҳмонова, Фарида Рустамоваларнинг муносиб улуши бор. Улар айни пайтда қарамоғларидаги сигирлар парваришини қатъий рацион асосида олиб бориб, ҳар бир ионивордан кунига 9—10 килограммдан сут соғиб олмоқдалар.

А. ИБРОҲИМОВ.

Ҳурмат ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Қизил Октябрь» колхози (раиси Б. Ҳасанов, партия ташкилотининг секретари М. Усмонов, касаба союз ташкилотининг раиси Д. Мўминов, комсомол ташкилотининг секретари М. Эгамназарова, пиллачилик бўйича агротехник Х. Расулова).

«Октябрь 40 йиллиги» колхози (раиси П. Саулькин, партия ташкилотининг секретари К. Каранчалов, касаба союз ташкилотининг раиси Э. Тиловов, комсомол ташкилотининг секретари Ю. Мамедов, пиллачилик бўйича агротехник Н. Шерматов).

Энгельс номли колхоз (раиси Е. Шамсиев, партия ташкилотининг секретари Р. Қолбоев, касаба союз ташкилотининг раиси А. Абдукаримов, комсомол ташкилотининг секретари Е. Туленов, пиллачилик бўйича агротехник У. Туленов).

«Партия XXIV съезди» совхози (директори Б. Йўлдошев, партия ташкилотининг секретари А. Қаршибоев, касаба союз ташкилотининг раиси Х. Абдилахатов, комсомол ташкилотининг секретари А. Каумонов, пиллачилик бўйича агротехник Т. Тожибоев).

ПИСКЕНТГА ЁРДАМ

904-СЧЁТГА

Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон қишлоқ Советига қарашли Охунбобоев номли маҳалла аҳолиси сув тошқинидан зарар кўрган Пискент райони меҳнаткашларига 500 сўмга яқин пул ўтказдилар. Бунда У. Турғонов, А. Бўрибоев, Д. Умаров ва Х. Қиличбоев каби активларнинг хизмати катта бўлди.

Р. ЮЛЧИЕВА.

• ПИЛЛА—ДАВЛАТГА •

ҲИММАТ

ТОШКЕНТ районининг мўл пилла хирмонида моҳир, ҳиммати баланд «кумуш тола» ижодкорларининг катта улуши бор. Карл Маркс номли колхозидан Мурод Қобулов ана шулар жумласига киради. Унинг оиласи ҳар йили ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ҳом ашё етиштириб, барчага ибрат бўлмоқда.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда М. Қобулов бошлиқ оилавий звено яна қурт бокди. Ўз вақтида парваришланган, баргга тўйдирилган қуртлар бошқа ҳамкасбларникига қараганда тез пилла ўради.

Ҳосил ҳам шунга яраша бўлди. М. Қобулов бир қути қурт уруғидан 120 килограмм ҳом ашё топширди.

С. СУЛТОНОВ.

АРДОҒИГА ЯРАША

ҚАҲРАМОН она Саодат опа Ғозиева «Иваново» совхозидагина эмас, балки бутун Қалинин районида барчанинг эътиборига, эъзозига сазовор бўлган аёл. Уни кўпчилик пиллакорлар ўзларига устоз, мураббий деб билишади. С. Ғозиева ўзи қурт боқиш билан бирга бошқаларга, айниқса, ёшларга шу соҳа «сир»ларини ўргатади, ҳамкасбларидан пилла қуртларини ардоқлашни, меҳр қўйишни, пиллахоналар ҳамиша озода ва баҳаво, шинам бўлишини талаб қилади. Шу боисдан ҳам унинг ўзи ҳам, шогирдлари ҳам ҳар йили мўл пилла ҳосили кўтармоқдалар.

Ўтган йили икки қути қурт уруғидан 178 килограмм хом ашё топширган С. Ғозиева куни кеча Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятини шараф билан адо этди. Унинг етиштирган ҳосили меҳнатига яраша бўлди. 3 қути қурт уруғидан 270 килограмм юқори сифатли пилла олинди.

З. СУЛТОНОВ.

ФИДОЙИЛАР

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхозда тажрибали пиллакорлар кўп. Улар йилдан-йилга ипак қуртидан мўл ҳосил олиб келмоқдалар. Ана шулардан бири Моҳинисо Олимовадир. У ўтган йили давлатга 160 килограмм сифатли пилла топширган эди. Бу йил ҳам икки қути қурт уруғи парвариш қилмоқда. Ҳар қути қурт уруғидан 90 килограммдан ҳосил олиш мажбуриятини қабул қилган.

Колхознинг пиллачиликдаги ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Тожи Ҳожиматова ҳам йигирма уч йилдан буён ипак қурти боқиб келаётир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у фақат сифатли «кумуш тола» олиб, барчага ибрат бўляпти. 1986 йилда икки қути ипак қуртидан 180 килограмм пилла етиштирган Т. Ҳожиматова бу йил эса 200 килограмм пилла топширишга аҳд қилган. Колхозда Тўхтасин Аширбоевани ҳам моҳир пиллакор сифатида ҳурмат билан тилга олишади.

— Ҳозир биз учун энг масъулиятли дамлар бошланди,— дейди Т. Ҳожиматова.

Ҳақиқатан ҳам ҳозир колхозда 1987 йилнинг дастлабки ҳосили — пилладан мўл ҳосилни териб, топшириш қизғин кетяпти. Айни пайтда юбилей йилида баракали хирмон уйишга аҳд қилган «кумуш тола» ижодкорлари енг шимариб, астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

Халқнинг маънавий бойликларини авайлаб-асрайлик

Совет маданият фонди халқнинг маънавий бойликларини асраши ва кўпайтириши, уларни ғамхўрлик ва ватанпарварлик тарбиясининг муҳим воситасига айлантириши, меҳнаткашларни ижодий фаолиятга жалб этиши керак. Маданият фонди республика бўлимининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган таъсис конференциясида шу ҳақда гапирилди. Бўлимнинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова доклад қилди.

Район ва қишлоқлардаги маданият муассасаларининг моддий техника таъминотини яхшилаш янги жамоат ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир, деб таъкидланди конференцияда. Фонд истеъдодли ёшларга ижодий ва маънавий мадад беришга мажбурдир. Унинг фаолиятидаги яна бир муҳим йўналиш санъат ва маданият асарларининг қимматли шахсий йиғмалари тўғрисида, улар учун махсус музейлар, бу асарларнинг каталогларини тузиш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат.

* * *

Совет маданият фонди республика бўлимининг биринчи ташкилий пленуми бўлди. Республика Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов унинг раиси этиб сайланди. Т. А. Турғунов раисниг биринчи ўринбосари, Г. К. Пугановская ўринбосар этиб сайландилар. Ш. А. Алимов, Ф. М. Ашрафий, В. А. Жонибеков, З. Муҳаммаджонов, Г. А. Пугаченкова, Р. А. Сафаров, Р. Фарҳодий, Р. Чориев фонд республика бўлими президиумининг аъзолари этиб сайландилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ Тошкент область Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги мажлисида пул муомаласидаги камчиликлар ҳамда касса тушуми қониқарсиз бажарилаётганлиги масалаларини кўриб чиқиб шуни қайд этдики, область ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотлари, агросаноат комплекслари раҳбарларининг назоратсизлиги оқибатида 1986 йил ва шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида областда пул муомаласида ўта қониқарсиз ҳолат вужудга келди.

Тўрт ойда товар оборати пландагидан 30 миллион сўм, маиший ва пулли хизмат соҳалари бўйича 8 миллион сўм кам бўлди. Ангрен, Янгийўл, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларида, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бекобод, Калинин районларида касса тушумлари планининг бажарилишида, айниқса, таҳликали ҳол вужудга келди. Ҳолбуки, область савдо ташкилотларида жами 471 миллион сўмлик ёки 138 кун савдо қилиш учун етарли миқдорда товарлар мавжуддир.

Ҳамон кўпгина магазин ва дўконларнинг ҳеч қандай сабабсиз узоқ муддат берк туриши ҳоллари учрамоқда. Бу эса ҳар куни савдодан тушадиган пулларнинг кескин камайишига, майда-улгуржи савдо, транспорт ҳамда маиший хизмат корхоналарига пул ўтказиш йўли билан хизмат кўрсатиш тартибларининг бузилишига олиб келаётир.

Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, область ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари ҳамда хўжалик раҳбарлари аҳолига пулли хизмат кўрсатиш планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга жуда суст контроллик қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги биринчи квартал плани барбод этилди. Областдаги бирорта шаҳар ёки район бу муҳим халқ хўжалиги кўрсаткичи бўйича планни уддалай олмади.

Ангрен ГРЭСи ва «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Т. Бобораҳимов, И. Н. Искандаров), Чирчиқ трансформатор заводи (Р. К. Саримсоқов), «Ғунча» тикувчилик фабрикаси (А. А. Тошпўлатов). Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати (М. С. Мақсудов) каби корхоналарда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш, айниқса, қониқарсиз аҳволда.

Область пассажирлар ташиш трести (Ф. П. Парпиҳўжаев) аҳолига транспорт хизмати кўрсатишга ҳилоф равишда пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш учун автобус ажратиш лимитларини белгиланган нормадан ошириб юбормоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида шундай йўл билан 500 минг сўмлик нақд тушум пули йўқотилди.

Область статистика бошқармаси (Б. Э. Неъматов) ва унинг жойлардаги органлари назоратни бутунлай сусайтириб юборганлари оқибатида пулли хизмат кўрсатиш бўйича 1986 йил ва 1987 йил I квартали учун ҳисоботлар етказиб берилмади. Пулли хизмат кўрсатиш бўйича яланга эга бўлган жами 1121 коллективнинг тўртдан биригина статистика органларига ҳисобот берди, холос.

56 та область ташкилоти ва муассасалари аҳолига пулли хизмат кўрсатиш планларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни шаҳар ва район бўлинмаларини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри область статистика бошқармасига юбордилар ва бу билан белгиланган тартибни қўпол равишда бузидилар.

Область корхона ва ташкилотларида аҳолига пулли хизмат кўрсатиш тадбирларини кенг пропаганда қилиш шу йўл билан бу ишни жонлантириб юборишдек муҳим масалага яхши эътибор берилмаяпти. Областдаги бирорта корхонада пулли хизмат кўрсатилаётганлиги ҳақида эълонлар осиб қўйилмаган. Коллектив аъзоларининг қандай хизмат турларига эҳтиёж сезаётганликлари анкета тарқатиш йўли билан аниқланмаган.

Кўпгина саноат корхоналарида транспорт, уйларни ремонт қилиш ва пардозлаш, ҳовли ва хонадонларни ободонлаштириш каби янги-янги хизмат турларини кенгайтириш соҳасида жуда катта имкониятлар мавжуд. Аммо афсуски, бундай йирик корхоналарда аҳолига уй-жой коммунал ва болаларни боғча-ясли̇ларга жойлаштириш каби илгаридан мавжуд бўлган хизмат турлари кўрсатиляпти, холос.

Областдаги аксарият кўпчилик саноат корхоналарида уйлар қуриш ва ремонт қилиш, шахсий уй, дала ҳовли, гаражлар ва бошқа объектларни қуриб бериш билан шуғулланадиган ремонт-қурилиш бригадалари тузилмаган.

Ижроия комитет мажлисида область шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, область ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг товар оборати планларини бажариш, аҳолига пулли хизмат кўрсатишни кескин кўпайтириш юзасидан партия ва совет органлари кўрсатмаларини бажармаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ РЕЖАЛАРИ

27 май куни Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлари республика кенгаши президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисни Хотин-қизлар кенгаши президиумининг раиси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова бошқарди.

Президиум республика кенгашининг шу йилги иш планини тасдиқлади. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига тайёргарлик тадбирлари, Ўзбекистон хотин-қизлари V съездида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш тадбирлари ҳам тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФА № 4 (298)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ (1987 ЙИЛ) ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЛАБИ

Қайта қуриш ҳаётимизнинг тобора кенгроқ доирасини, тумушнинг чуқурроқ қатламларини қамраб олмоқда. КПСС Марказий Комитети январь Пленумидан кейин қайта қуриш босқичи илм-фанни ташкил этиш, идеология ва кадрлар сиёсатида ҳам намоён бўляпти. Шундай шароитда халқ контроли органлари активлигини ошириш, қайта қуриш жараёнига тўсқинлик қилаётган салбий ҳолатларга қарши курашни кенгайтириш асосий вазифа бўлиб турибди.

Биз янги талаблар асосида ҳамма жойда тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, тежамкорлик режимини кучайтиришга, социал адолатни қарор топтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Институтимизда 40 дан ортиқ халқ контроли группаси ва постлари ҳаракат қилаяпти. Улар сафига салкам 500 нафар назоратчи бирлашган. Кейинги пайтларда жамоатчи активлар иштирокида асосий йўналишлар бўйлаб 8 та планли ва 4 та плансиз рейд ўтказдик.

Текширувлар давомида ўқув корпуслари ва ётоқхоналарни янги мавсумга тайёрлаш, ўқув-тарбиявий ишларнинг бориши, таъминот ва моддий ресурсларни сақлаш кўздан кечирилди. Рейд якунлари меҳнат коллективларида муҳокама қилиниб, ишда камчиликларга йўл қўйган ўндан ортиқ мансабдор шахс жазоланди.

Рейд аъзолари таъминот ва омборхона хизмати ишига кўп эътирозлар билдиришди. Бу участкаларда аниқ ҳисоб-китоб йўқ, буюртмаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилмаган эди. Айрим ходимлар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари учун интизом бўшашиб кетган эди. Текширув якунлари жиддий муҳокама қилиниб, топширилган иш участкасида намунали тартиб ўрнатмаганлиги учун таъминот бўлими бошлиғи Ф. Хайлова виговор эълон қилинди.

Муҳокамадан сўнг таъминот соҳасида ишларни қайта қуриш бошланди. Машинасозлик соҳасига алоқадор факультетларда қимматбаҳо ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Автотранспорт корхонасида ўтказилган текширув чоғида эса ёнилғидан тежабтергаб фойдаланиш бўйича белгиланган вазифалар қандай бажарилаётганлиги текширилди. Текширув давомида корхонада резервлардан фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ёнилғи сарфиёти устидан пухта назорат ўрнатилмаганлиги маълум бўлди. Кўрилган амалий тадбирлар транспортчиларга эндиликда катта ёрдам бераяпти. Ой сайин кўплаб ёнилғи ва электр энергияси тежаб қолинаяпти.

Назоратчиларимиз социал соҳани ҳам эътиборда тутишаяпти. Институтда билим олаётган студентларнинг каттагина қисми ётоқхоналарда истиқомат қилади. Шу боисдан ҳам биз уларнинг турмуш шароитидан ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб турибмиз. Назоратчиларнинг талаби билан бир қатор ётоқхоналар сифатли ремонтдан чиқарилди, умумий овқатланиш корхоналари иши яхшиланди, инженерлик хизмати такомиллашди. Лекин шунга қарамай социал соҳада ҳали кўпгина камчиликлар бор. Айрим хизмат раҳбарлари рейдлар давомида маълум бўлган нуқсонларни бартараф этишга шошилмаяптилар. Бу ҳол студентларда жиддий норозилик туғдирмоқда.

Ўтказилаётган текширув ва рейдларимиз пировард натижада ўқув-тарбия ишларини яхшилашга самарали таъсир ўтказишини истаймиз. Бу мақсадда кечки-сиртқи бўлимда ўқув жараёнининг ташкил этилиши, кутубхоналар фаолияти, илмий-тадқиқот ишлари чуқур таҳлил қилинди.

Олий таълимни қайта қуриш бошлангандан бери кўпгина кафедраларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Лабораториялар учун янги ускуналар сотиб олинди, замонавий техника воситалари билан жиҳозланди, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланди. Эндиликда институт хўжалик шартномаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари учун йилига 5 миллион сўмликка яқин маблағни ўзлаштирмоқда. Сарф бўлаётган ҳар бир сўм пировард натижада 2 сўмга яқин фойда келтиряпти. Лекин бу кўрсаткич ҳали бизни қониқтирмаяпти. Айрим илмий темалар бўйича олинаётган самара миқдори анча кам. Сарф бўлаётган ҳар бир сўм ҳисобига 16—25 тийиндан фойда олаётган факультетлар ҳам бор. Демак, бу соҳадаги ишларни жиддий назорат остига олиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш жадаллаштириш даврининг муҳим белгиси эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу соҳада айниқса химия-технология, саноат электроникаси, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультетлари халқ контроли группалари активлик кўрсатишлари зарур.

СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларида халқ контроли органлари ишини қайта қуриш йўллари аниқ белгилаб берилди. Қабул қилинган қарорлар сўзсиз назорат ишини янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Институт халқ контроли комитети янги талаблар асосида ишни ташкил этиб, камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқурроқ ўрганишга, ҳар бир рейд самарадорлигини оширишга, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга эътиборни қаратяпти.

Т. МИРКОМИЛОВ,
Тошкент политехника институти халқ контроли комитети раиси, профессор.



Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз чорвадорлари шу кунгача минг тоннага яқин дағал хашак жамғардилар. Хўжаликда кўп ва сифатли озуқа йиғиб олиш учун қизғин кураш бормоқда. Халқ контроли группаси аъзолари қишга ғамланаётган озуқанинг сифатли бўлиши устидан қатъий назорат ўрнатганлар. Суратда: (чапдан ўнгга) группа аъзолари, сут соғувчи М. Алимова, бузоқбоқар Ш. Ғуломов, инженер Ғ. Одилов, бригада бошлиғи Р. Едгорхўжаевлар жамғарилаётган хашакнинг сифатини текширмоқдалар.

А. Зуфаров фотоси.

АЛДАНГАН МАҲАЛЛА

Маҳалламиз Собир Раҳимов районида — «Марказ-27» билан Чиғатой дарбоза оралиғида қад кўтарган янги уйлардан ташкил топган. Шу йил бошида 29-АТС ходимлари ариза берган хонадонларга телефон тушираяпмиз, ҳозир кўчаларга кабель ётқизяпмиз, дейишди. Бу хушхабардан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. 300 онла телефон учун 102 сўмдан пул тўлади. Лекин шу билан телефон тўғрисидаги гап сувга тушган тошдек номнишонсиз кетди. Охири АТС бошлиғи М. Акбаровга учрашишга мажбур бўлдик.

М. Акбаров маҳалламизга келиб халқни йиғди. Ҳаммининг олдида апрель ойнинг охиригача ҳамма телефонли бўлади, деб охирги ваъдани берди.

Апрель ойи тугаб, май ҳам бошланди. Лекин телефондан дарак бўлмади. Шундан кейин яна АТСга бордик. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек станция ходимлари бамайлихотир юришибди. Икки-уч ойсиз телефон уланмас эмиш.

Собир Раҳимов районидаги Б-Е Б-3 маҳалла аҳолиси 29-АТС раҳбарларининг бунчалик ваъдабозликларига дастлаб ишонишмаган эди. Телефон муаммоси ўз бошларига тушгач, энди тушунишди.

В. СОБИРОВА,
кутубхоначи.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Ўрганган кўнгил

— Ошоралик ҳукм сураётган ҳозирги пайтда хатга имзо чекмаган кишилардан олдинига ҳафа бўлдик, — дейди Оҳангарон район халқ контроли комитети раиси Абдурашид Исоқжонов. — Лекин хатда одамни ишонтирадиган кўпгина мисоллар келтирилган эди. Шу томонини ўйлаб уни текширишга қарор қилдик.

Комитетга тушган имзосиз хат бўйича назоратчилар ВЛКСМ 50 йиллиги номли совхоз-саноат комплекси томон йўл олдилар. Хатнинг биринчи қисми Г. Кульбековa ҳақида эди. Ў 1985 йил 18 майда оқаваларнинг чиқиб кетишини тартибга солувчи бўлиб ишга қабул қилинган эди. Орадан кўп ўтмай уни ўт ёқувчиликка, кейинроқ моторист, монтажчи лавозимларига ўтказишди. Шундай йўллар билан ўтган йили Г. Кульбековага 676 сўм 48 тийин, шу йилнинг январь ойида эса 233 сўм пул ёзилди. Лекин бу пулларни ким олганлиги номаълум. Ведомостдаги имзолар Г. Кульбекованинг имзосига ўхшамасди.

Мелиоратив машина отрядида диспетчер-бухгалтер бўлиб ишлаётган М. Хванниг маошида ҳам кўпгина чалкашликлар бор эди. Негадир унга монтажчи маоши тўланган эди. Шундай йўллар билан М. Хванга 3239 сўм пул ёзилди. Табелга эса мелиоратив машина отряди бошлиғи С. Ли, бош ирригатор М. Кульбеков, бош экономист Т. Зариповлар жимжимадор қилиб имзо чекишди.

Нафси ҳаккалак отган раҳбарлар қўшиб ёзиш йўли билан ҳам ўз ҳамёнларини қаппайтириш пайига тушишган эди. 1985 йил май ойида тарнов-қувурлар ётқизиш бўйича бажарилган ишлар анча оширб кўрсатилди. Шу тариқа давлатга 4315 сўм зарар етказилди.

Имзосиз хатни текшириш пайтида шунга ўхшаш яна бир қатор нуқсонлар маълум бўлди. Текширув якунлари район халқ контроли комитетида муҳокама қилиниб, совхоз-саноат комплекси директорининг ўринбосари А. Пакка назоратни бўшаштириб юборганлиги ва лоқайдлиги учун қаттиқ виговор эълон қилиниб, бир ойлик маоши миқдорида пул начёти ёзилди. Шундай жазо бош бухгалтер Н. Содиқовга ҳам берилди. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилган бош ирригатор М. Кульбековга эса уч ойлик маоши ҳажмида пул начёти ёзилди. Пулнинг ҳам ўрни тўларку, лекин раҳбарларнинг коллектив олдида изза бўлиб қолгани афсуслантиради.

О. ХУШНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Область халқ контроли комитетида

Фойдасидан зарари кўп

«Қизил Ўзбекистон» колхозидаги теплица хўжалигида планга киритилмаган экин турларини экиш одат тусига кириб қолган. 1600 квадрат метр майдонни икки йилдан бери гул кўчатлари эгаллаб турибди. Бошқа экинларга эътибор сусайиб бормоқда, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилмаяпти. Халқ назоратчилари текшириш ўтказган кун теплицада ҳарорат нормадагидан анча паст эди.

1986 йилда ҳам шу каби камчиликларга йўл қўйилганлиги учун маҳсулот таннархи қимматлашиб кетди. 9,5 минг сўмлик уруғ, 6,2 минг сўмлик минерал ўғит ортиқча сарфланди. Натижада 46,1 минг сўмлик зарар кўрилди.

Оржоникидзе номли совхоз теплица хўжалигида ҳам агротехника қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш талаб даражасида ташкил этилмаяпти. Иссиқхоналардаги ҳарорат ва намликни назорат қилиб турувчи контрол-ўлчов асбоблари ишламайди, автоматик тарзда суғорувчи ва ўғитловчи система ҳанузгача монтаж қилинмаган. Тупроқ агрокимёвий анализ қилиб борилмайди. Бу ҳол тупроқда турли касалликларнинг пайдо бўлишига ва ашаддий кушанда — оқ пашшанинг кўпайиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Натижада 1986 йилда уч гектар ердаги бодринг қуриб қолиб бундан хўжалик 27,2 минг сўмлик зарар кўрди. Ҳар квадрат метр майдондан бор-йўғи 2,8—4,1 килограммдан ҳосил олинди.

Кейинги икки йилда умуман Оржоникидзе районидаги теплица хўжаликларида ҳар квадрат метрдан ўртача 5.4—7 килограммдан ҳосил олиняпти. РАПО теплицалар қувватидан самарали фойдаланиш, маҳсулотни топшириш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги учун шундай бўляпти.

Яқинда область халқ контроли комитети йиғилишида Оржоникидзе райони хўжаликларида теплица қувватларидан фойдаланишнинг аҳволи кўриб чиқилди. Ишда йўл қўйган камчиликлари учун РАПО бош агрономи Ғ. Қосимов, «Қизил Ўзбекистон» колхози раиси А. Абдужамилов, Оржоникидзе номли совхоз директори А. Усмоновга виговор эълон қилинди.

Деҳқонлар кўрса нима дейди?

Шу кунги йиғилишда область савдо бошқармаси ва матлубот жамиятига қарашли ташкилотлар омборларида сабзавот, картошкани узоқ муддатга сақлаш ва савдо қилишнинг аҳволи ҳам муҳокама қилинди.

Область савдо бошқармаси ва унинг Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл, Нариманов, Чирчиқ шаҳарлари ташкилотлари ўтган йили қишга мева, картошка, полиз маҳсулотларини ғамлаб қўйиш ва қайта ишланган сабзавотларни сақлаш планларини бажармадилар. Шу сабабдан ҳам 1986—1987 йиллар қиш мавсумида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар рўй берди.

Область савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Мамадалиев топширилган ишга масъулият билан ёндошмаганлиги учун ҳам шундай ҳоллар келиб чиқди. У сабзавот, мевани қишга ғамлаш ва сақлаш юзасидан лозим даражада назорат ўрнатмади. Бошқармага қарашли идора раҳбарлари билан келишувчилик йўлига ўтиб олди. Бундай лоқайдлик натижасида кўпгина омборларда маҳсулотни сақлаш қоидалари бузилди, анча қисми чиқитга чиқиб кетди. магазинларда маҳсулот турлари камайди.

Область матлубот жамияти корхоналарида ҳам шунга ўхшаш камчиликларга йўл қўйилди. Картошкани сақлаш учун етарли шарт-шароит яратилмади, улар вақти-вақти билан саралашмади. Натижада маҳсулотнинг каттагина қисми несибуд бўлиб кетди.

Оққўрғон район тайёрлов конторасида 4,5 минг сўмликдан қиматроқ турадиган тўққизта саралаш агрегати, сал кам 12 минг сўмга сотиб олинган мураккаб тарози кўп йиллардан бери ўрнатилмай ётибди. Омборда ҳарорат режимига амал қилинмайди, маҳсулот сифати паспорти тутилмаган.

Ўрта Чирчиқ райони тайёрлов идораси ҳовлисида ҳам шарбат олувчи ва ювувчи ускуналар очиқ ҳавода ётибди. Ҳисоботларда эса улар ўтган йилнинг августоийидаёқ фойдаланишга топширилган, деб кўрсатилган Оҳангарон ва Янгийўл тайёрлов идоралари. Бўстонлик кооперативи эса мева-сабзавотни сақлаш қонун-қоидалари тез-тез бузилиб турибди.

Область халқ контроли комитети йиғилишининг қарори билан қиш мавсумида аҳолини мева, сабзавот билан таъминлаш ишларини қониқарсиз ташкил этганликлари учун область савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Мамадалиевга қаттиқ виговор эълон қилинди ва бошқа айбдор кишиларга нисбатан ҳам чоралар кўрилди.

63 та рекламация

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Янгиободдаги филиалида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқлар бажарилмай келаяпти. Кадрлар кўнимсиз. Сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш камаймаяпти. Кейинги икки йил ичида савдо ташкилотларига юборилган маҳсулотларнинг салкам 70 минг сўмлигига 63 та рекламация тушди. Айни пайтда турли хил йўллар билан мукофот фондини талон-тарож қилиш давом этмоқда. Ишчиларга моддий ёрдам кўрсатиш тартиби бузиляпти.

Филиалда ҳисоб-китоб ишлари ўлда-жўлда қолиб келмоқда. Материалларни инвентаризация қилиш ишлари талабга жавоб бермайди. Бухгалтерия иш ҳақи тўлашда ноаниқликларга йўл қўймоқда.

Область халқ контроли комитети йиғилишининг қарори бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳаётга қанчалик татбиқ этилаётганлиги устидан область халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида назорат ўрнатилади.

ЗАНГ БОСГАН МЕХАНИЗМЛАР

РЕЙДЛАР НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Яқинда халқ назоратчилари райондаги бир қатор корхоналарда моддий ресурсларни ҳисобга олиш ҳамда янги техника ва механизмларни муддатида ўрнатиш бўйича бажарилаётган ишларни текширдилар. Рейд давомида айрим корхоналар раҳбарлари бу муҳим масалага ҳамон эътиборсизлик билан қараб, юқори ташкилотларни чалғитиб келаётганликлари маълум бўлди. Улар имзо чеккан актларнинг бирида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли машинасозлик заводида 150 минг сўмлик 2 та программалаш рақамли бошқарув станоги ишга туширилган, деб қайд этилган. Лекин текширув кўрилганда акт нотўғри чиқди.

Корхонада бу ягона ҳол эмас. Электрон-ҳисоблаш техникасини фойдаланишга топшириш ҳам беш ойга чўзиб юборилган эди. Бир қатор янги техника воситалари эса ҳисобдан чиқарилган металлар билан аралаш-қуралаш очиқ ҳавода ётарди. Бу ерда 423 минг сўмга олинган автоматик бўяш линияси ҳам 1984 йилдан бери қаровсиз ётипти. Ўз вақтида монтаж қилинмаганлиги оқибатида автоматик линиянинг айрим узел ва деталлари ишдан чиқиб қолибди.

«Ташавтоматика» заводида ҳам ўрнатилмаган ускуналар очиқ ҳавода сақланяпти. Натижада барвақт ишдан чиқмоқда. 1-тажриба экспериментал-механика заводи металл омборида эса материаллар ҳисоб-китоби чалкаштириб юборилган. Ўнлаб тонна металл ҳисобга кирмаган, навлари алмаштириб юборилган. 2-ёғочни қайта ишлаш заводида бўлса қанчадан-қанча материаллар неча йиллардан бери бекор ётипти. Масалан, 12 минг 451 сўмлик 367 та фреза 1982 йилдан бери, 1440 сўмлик 16 та автомашина эса 1984 йилдан бери ҳаракатсиздир. 400 куб метр тахта ва ёғоч ҳамда бошқа материаллар қонунга хилоф равишда реализация қилинган.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам янги техникани тезкорлик билан ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш ишига панжа орасидан қараломоқда. Мамлакатимизда ва чет элларда ишланган 4,4 миллион сўмлик ускуна ўз муддатида ўрнатилмаган. 136 минг сўмлик истеъмолдан ошиқча ускуна уюлиб ётибди. Айни пайтда шу материал ва хом ашё бошқа жойларда сув билан ҳаводек зарур бўлса ажаб эмас.

М. МОЧАЛОВ,
Куйбишев район халқ контроли комитетининг инспектори.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари ИЗИДАН

«Ёпиғлиқ қозон қачон очилади?»

25 ФЕВРАЛЬ, 1987 ЙИЛ.

«Дадилбек почтасидан» рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Оржоникидзе районидаги А. Матқобулов номли қишлоқ Советига қарашли Будённий номли маҳалла комитети аъзоларининг ҳамма жойда меҳнатсиз даромад, ичкиликбозлик ва текинхўрликка қарши кураш кетаётган бир вақтда унга маҳалла комитетининг аъзолари жиддий эътибор бермай қўйганликлари, маҳалла ободончилиги ҳам уларнинг назаридан четда қолаётганлиги аниқ фактлар асосида танқид қилинган эди.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Тонровдан мақолага жавоб олинди. Унда мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланганлиги айтилади. Маҳалла комитетининг раиси А. Шахабоев маҳалла аҳолиси ўртасида снёсий тарбиявий ишлар олиб бориш, ободончиликка эътибор бериш ўрнига ҳар бир оиладан 15 сўмдан пул йиғиш билан шуғулланиб келган. Матқобулов номли қишлоқ Советн А. Шахабоевнинг қилмишини муҳокама қилиб, уни маҳалла комитети раислигидан бўшатди. Район ички ишлар бўлими эса жамоатчилик асосида участка инспектори деб 1985 йилда берилган ҳужжатни ундан қайтариб олди.

Бундан ташқари текшириш даврида картошка уруғлиги сақланаётган совхоз клуби бўшатиб берилди. Ҳозир клубни ремонт қилиш ишлари олиб борилмоқда. Совхоз маъмурияти бу ерда яшайдиган аҳолини тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш учун амалий тадбирлар кўрмоқда. Шунингдек, қишлоқ Совети бу маҳаллада янгича анъаналарни ривожлантириш, алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиқди.

КУЛАСИЗМИ, КУЯСИЗМИ?

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА...



Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга, деб бежиз айтишмайди. Лекин бу гапни чамаси Тошкентдаги 2-дон маҳсулотлари комбинати раҳбарлари эшитишмаганга ўхшайди. Ишдаги камчиликлар уларга бир неча бор кўрсатилди, дўстона маслаҳатлар берилди. Қани энди бундан бирор хулоса чиқариб олишса. Комбинат директори А. Дидаш келган комиссия аъзоларига ҳар гал қуюқ ваъдалар беради-ю, лекин ўз билганидан қолмайди.

Назоратчилар қайси куни савдога жўнатилаётган 24 қоп буғдой ёрмасини қайта тортиб кўрдилар. Ҳар бир қопидан 750 граммдан кам чиқди. Цех раҳбарлари ҳам дарҳол комбинат директорига ўхшаб қўлларини кўксиларига қўйганларича бундан буён фақат тўғри ишлашга сўз беришди. Рейд аъзолари дастлаб уларга ишонгандек бўлишди. Лекин орадан кўп ўтмай такрорий рейд ўтказилганда ҳар қопдан 1 килограмм 170 граммдан буғдой ёрмаси кам чиқди. Шундан кейин назоратчилар айбдорларни қаттиқ жазолашни талаб этишди.

Комбинат молиявий-хўжалик фаолияти ревизия қилинганда ҳам шундай камчиликлар чиққан эди. Дарҳол корхона бўйича буйруқ чиқарилиб бир қатор ходимлар жазоланди. Лекин буйруққа нималар ёзилганлигини коллектива билдиришмади. Ҳатто жазоланганлар ҳам хабарсиз қолди. Шу билан аниқланган камчиликлар бўйича «кескин» чоралар кўрилган бўлди. Орадан кўп ўтмай эса жазоланганлардан тўрт кишига 102 сўм миқдорида мукофот пули ҳам тақдим этилди.

Комбинат раҳбарларининг бундай найранглари назоратчиларнинг ғазабини қўзитиб юборди. Улар энди қадоқлаш цехи ишчилари пакетларга жойлаб чиқараётган унларни текширишга киришдилар. Шунда 30 пачка унинг ҳар пачкасидан 30—70 граммдан кам чиқса бўладими? Булка-кондитер комбинати ва 4-нон заводига юборилаётган унларнинг намлик даражаси эса нормадагидан анча юқори эди. Гапни гап очади, деганларидек, омборларда сақланаётган унининг бир қисмини айрим қўли эгри кишилар гумдон қилаётганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Омбор мудири З. Обидов сир очилишидан кўрқиб камомадни ҳам тўламай силлиққина ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб кетди.

Оҳангарондаги дон маҳсулотлари комбинати бўйлаб ўтказилган рейд давомида ҳам ҳар бир қоп ундан уриб қолиш одат тусига кирганлиги маълум бўлди. Чиқарилаётган маҳсулотлар сифати талаб даражасида эмас. Шундан кейин область халқ контроли комитети ҳар иккала корхона бўйлаб ўтказилган текширув якунларини муҳокама қилиб, меҳнатсиз даромад орттирувчиларга йўл очиб қўйган, ғалла маҳсулотларини сақлаш устидан назоратни бўшаштириб юборган раҳбарларни қаттиқ жазолади. Тошкентдаги 2-дон маҳсулотлари комбинати директори А. Дидашга қаттиқ виговор, Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати директори З. Мусаевга виговор эълон қилинди.

БИНОГА ЗЕБ БЕРИБ

Бошқарма жойлашган эски бино А. Г. Фуксниг кўзига кун сайин хунук кўринаверди. У кабинетда ўтирганида ҳам, территорияни айланганида ҳам идора биносини қайта қуриш режасини тузарди. Кейинги йилларда маъмурий бинолар қуриш анча чегаралаб қўйилганлиги ёмон бўлди-да, ўйларди у. Бўлмаса шу арзимаган иш учун бош қотириб ўтирармидим? Бошқарма учун шартта янги бино қурардим-қўярдим. Афсуски, энди у даврлар қайтиб келмайди. Демак, бошқача йўл тутиш керак. Капитал ремонт учун ажратилган 110 минг сўмнинг ҳаммасини янги идора қурилишига сарфлаймиз.

Лекин ҳамма иш А. Г. Фукс ўйлаганидек силлиқ чиқмади. Қинғир ишнинг қийини тезда очилиб қолди. Бундан олдинроқ ҳам у бир ноқонуний ишга қўл урган эди. Рафиқаси ҳамда икки ўғли билан 38 квадрат метр саҳнли квартирада яйраб ҳаёт кечириб келаётган эди. Лекин ён-атрофидагиларга қараб унинг ҳам янги квартира олгиси келиб қолди. Бироқ жон бошига турар-жой саҳни етарли бўлганлиги учун Чилонзор район Совети ижроия комитети бу масалада унга тайинли маслаҳат бера олмади.

Шундан сўнг А. Г. Фукс СССР Махсус монтаж министрлигига қарашли «Промсвязьмонтаж» трести раҳбарларини ўртага қўйди. Уларнинг илтимоси билан республика махсус монтаж ишлари министрлиги янги қурилаётган уйлардан А. Г. Фуксга уч хонали квартира ажратди. Лекин район Совети ижроия комитети ордер беришни пайсалга солаверди. Чунки жон боши кам, уй саҳни кенг эди. Охири А. Г. Фукс ҳам хийла ишлатди. Янги уйни ҳар бири бир хонали иккита квартирага алмаштирди ва ўғилларини шу квартираларга прописка қилди.

Гап айланиб назоратчилар қулоғига етди. Шундан кейин яна текшир-текшир бошланди. Дастлаб Тошкент шаҳар халқ контроли комитети масалани ўрганиб чиқди. Кейин иш область халқ контроли комитетига оширилди. «Промсвязьмонтаж» трестига қарашли монтаж бошқармаси бошлиғи А. Г. Фукс ишни ёпти-ёпти қилишга кўп уринди. Лекин жазосиз қолмади, қаттиқ виговор олди.

Ж. НОСИРОВ.



Бугун машинада сигир соғиш илғорларининг область слёти бўлади

ТЎРТМИНГКИЛОГРАММЧИ СУТ СОҒУВЧИЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

Бугун В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида машинада сут соғиш бўйича илғор мастерларнинг биринчи область слёти очилади.

Бу слёт агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи область комитети томонидан уюштирилмоқда. Слётда сут соғувчилар ўз соҳасига тегишли актуал масалалар бўйича фикр ва мулоҳазалар алмашадилар, баҳслар юритадилар. Фермаларда ишни икки сменада ташкил этишнинг афзалликлари, бу илғор усулни жорий этиш муаммолари, чорвадорларнинг унумли ишлашлари ва дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш, подалар маҳсулдорлигини ошириш методлари нотиқлар чиқишларининг мавзуси бўлади.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети сут етиштиришни янада кўпайтириш, сигирлар маҳсулдорлигини ошириш, машинада сут соғиш операторларининг ташаббуслари ва ижодий активликларини рағбатлантириш мақсадида машинада сут соғиш операторларидан иборат тўртмингкилограммчилар клуби ташкил этиш, унинг аъзолари учун бир хил нусхадаги гувоҳномалар тайёрлашга қарор қилди ҳамда уларни тасдиқлади.

Клуб аъзолари фарзандларининг пионер лагерларида дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар ажратилади. Клуб аъзоларининг ўзларига эса социал страхование маблағлари ва колхозчиларнинг марказлаштирилган фондлари ҳисобидан санаторийларга, дам олиш уйларига ва туристик базаларга бепул йўлланмалар берилади. Бундан ташқари йил давомида сут соғиш бўйича районда энг юқори кўрсаткичга эришган клуб аъзолари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланадилар.

Бугун В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлиб ўтадиган слётда Тошкент область тўртмингкилограммчи сут соғиш усталари клубининг Низоми қабул қилинади. Қуйида ана шу Низомни эълон қилмоқдамиз.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ТЎРТМИНГКИЛОГРАММЧИ СУТ СОҒУВЧИЛАРИ КЛУБИНИНГ

НИЗОМИ

ЧОРВАЧИЛИК самарадорлигини ошириш СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишдаги ҳал қилувчи вазифалардан биридир. Бу вазифани ҳал этиш учун давлат кўплаб маблағлар ажратмоқда. Ферма ва комплексларни малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини жорий этиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ишда инсон омили бош масала ҳисобланиб, тармоқни ривожлантиришга оид барча ишларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Сутчиликка мўлжалланган чорвачиликда маҳсулдорликни янада ошириш, селекция ишларини яхшилашни рағбатлантириш мақсадида Тошкент областида тўртмингкилограммчи сут соғувчилар клуби ташкил этилмоқда.

КЛУБНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИ сут соғувчилар клубини ташкил этиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим:

жамоат чорвачилигини янада жадал суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш;

соғин сигирлар сутини кўпайтириш ва селекция ишларини яхшилаш;

чорвачиликка механизацияни кенг жорий этиш, чорвадорлар меҳнатини ташкил этишни ва улар иш шароитини яхшилаш; илғор иш методларини кенг ёйиш;

сутнинг сифатини, сут соғувчилар эстетикаси ва маданиятини ошириш.

КЛУБ АЪЗОЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ЎЗ БОҚИМИДАГИ сигирларнинг ҳар биридан ўртача камида 4 минг килограмм сут соғиб олган, бу сутнинг ёғлилиги шу ҳўжалик учун белгиланган даражадан паст бўлмаган соғувчи ва машинада сут соғиш операторлари 4 мингкилограммчилар клуби аъзоси бўла оладилар. Бунда ўзига биркитилган группадаги сигирларни камида уч йилдан бери парвариш қилаётган бўлиши керак.

Соғувчилар ва машинада сут соғиш операторлари учун характеристика-тавсиялар агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи район комитетлари ва РАПОларга ҳар йили 1 февралдан кечикмай, белгиланган формада етказиб берилади. Клуб аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи область комитети ва область агросаноат комитети томонидан чиқарилади. Клуб аъзоларига белгиланган нусхадаги гувоҳнома топширилади.

Клуб аъзоларининг рўйхатлари ҳар йили 1 мартдан кечикмай, область ва район матбуотида эълон қилинади.

Тўртмингкилограммчилар клуби аъзоларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўз ишларига жиддий муносабатда бўлиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор тажрибаларни жорий этиш ва оммалаштиришга кўмаклашиш;

камчиликларга муросасиз бўлиш ва уларни бартараф этиш, чорвадорлар учун зарур меҳнат, маиший ва маданий шароит яратишга кўмаклашиш;

камида икки нафар ёш сут соғувчини оталиққа олиб, уларни илғор иш услубларига ўргатиш;

меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилиш, оилада ва турмушда ўрнак бўлиш, жамоатчилик топшириқларини бажариш.

КЛУБНИНГ ТАШКИЛИЙ ИШЛАРИ

КЛУБ аъзоларининг ҳар йилги йиғилишларида унинг правлениеси сайланади. Клуб правлениеси ўз фаолиятини бир йиллик иш планига мувофиқ ҳолда амалга оширади ва клуб аъзоларининг ҳар йилги йиғилишларида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот беради.

Клуб правлениеси раиси, унинг ўринбосарини ва секретарни сайлайди. Хўжалик ва жамоат ташкилотларининг вакиллари клуб правлениесига сайланишлари мумкин.

КЛУБ АЪЗОЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ

ЯШАШ шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган клуб аъзолари турар-жой майдони олиш учун имтиёзли рўйхатга киритиладилар. Клуб аъзоларининг болалари учун болалар боғча ва яслиларидан ўрин, пионер лагерларига йўлланмалар навбатсиз берилади.

Клуб аъзолари областда ўтказиладиган томошабоп маданий-оммавий ва спорт тадбирларини бепул бориб кўриш, автокасса, кинотеатр, даволаш муассасалари, савдо ва маиший объектлар хизматларидан навбатсиз фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Клуб аъзолари бўлган соғувчилар, машинада сут соғиш операторларига сотиш учун район ижроия комитетлари томонидан узлуксиз камида икки йил давомида талаб катта бўлган енгил автомашина ажратилади. Уларга касаба союз маблағлари ҳисобидан санаторий, дам олиш уйлари, туристик базаларга бепул йўлланмалар берилади.

Клуб аъзоларига улар ҳар йили клубга аъзо бўлган пайтларида РАПОларнинг марказлашган фондидан қуйидаги миқдорда пул мукофоти берилади:

4000 килограммдан ошириб сут соғиб олганларга 50 сўмдан;

5000 килограммдан ошириб сут соғиб олганларга 100 сўмдан.

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Ҳар биримиз сайловолди кампаниясида иштирок этар эканмиз, одатда депутатликка номзод учун овоз беришдан аввал у ҳақда ҳамма нарсани билишни истаймиз: у аслида қандай одам, сайловчиларнинг талаб-истакларини, партия ва давлат сиёсатини амалга ошира оладими? Депутатлик ўринлари, одатда, принципиал ўз сўзида қатъий тура оладиган, мавжуд муаммоларни биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам актив ва масъулият билан ҳаракат қила оладиган кишиларга берилади. Сўнгра уларга депутатлик мандатларини топшира туриб, унинг ўзига берилган кенг ҳуқуқлардан тўғри фойдаланиб, одамлар учун содиқ хизмат қилишига ишонамиз. Аммо бунинг акси ҳам бўлади. Депутатликка номзод сайловчилар билан учрашганда юксак ахлоқи билан намуна бўлишга ваъда беради-ю, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай сайловчиларнинг наказларини ҳам, ўзининг бурчини ҳам унутади. Сайловчилар ўз ишончларини оқламаган ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилган депутатларни чақириб олиш ҳуқуқига эгалар. Хўш, бу ҳуқуқдан амалда қандай фойдаланиляпти? Мухбиримиз шу ҳақда мушоҳада юритади.

Ёш муаллима — Н. Исмоилованинг Чирчиқ медицина билим юртига директор қилиб кўтаришганида деярли ҳеч ким ажабланмади. Ўзининг беш йиллик иш фаолияти давомида Назира Хўжаева билимдон ва сергайрат мутахассис, яхши ташкилотчи сифатида танилди. Янги директор ишга қизғин киришди. Билим юртида ўқув жараёнлари яхшиланди, моддий база мустаҳкамланди. Шундан кейин Исмоилованинг бошқаларга намуна қилиб кўрсатадиган бўлишди. Шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди.

Бироқ бу ютуқлар ва мақтовлар Назира Хўжаевнанинг бошини гангитиб қўйди. Шаҳар идоралари томон шикоятлар оқа бошлади: билим юртида носоғлом вазият вужудга келмоқда, директор ўзбошимчалик, зўравонлик ҳукмини ўтказмоқда. Аввалига бундай ташвишли сигналларга кўпам эътибор бераверишмади. Чунки у пайтларда Исмоилованинг обрў-эътибори жуда баланд эди. Лекин ниҳоят шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари ҳам директорнинг ҳулқ-атворидан ҳайратлана бошладилар. У сайловчиларнинг наказларини бажармасди, улар олдида ҳисобот бермасди. Масалага жиддий ёндашилганда депутатга нисбатан чора кўриш пайти ҳам келганди: Исмоилова ҳар жиҳатдан — директор сифатида ҳам, халқ депутати сифатида ҳам мағрурланиб кетган эди. Аммо шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари шошилишмади. Шу орада шаҳар партия комитети бюроси директорни жазолади. Тўғри, бу жазо ҳеч қутилмаган мутлақо бошқа сабаб: «коммунист деган юксак номга номуносиб мазмунда хат ёзиб, нотўғри ҳатти-ҳаракат қилганлиги учун» берилганди. Шаҳар Совети ижроия комитетидагилар буни ҳам билиб билмаганга олдилар.

Орадан бир неча ой ўтгандан сўнг Исмоилованинг номзодини ҳудди ўша округ сайловчиларига шаҳар Советига депутатликка кўрсатиш учун тавсия этдилар. Совет вакиллари медицина билим юрти коллективининг сайловолди йиғилишида директор шаънига баландпарвоз мақтов гаплар айтишди. Коллектив орасида виждонли, ҳалол, қандайдир йўллар билан жабр кўрган кишилар ҳам бор эди, албатта. Аммо, афтидан, улар аввалдан бирон ҳам чўчитиб қўйилган шекилли йиғилишда лом-мим демай ўтиришди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК: САБОҚ БЎЛСИН

Маълумки, агар кишининг хатти-ҳаракатлари яхшимиёмони, ҳадеб мақталаверилса, охирида у виждонини ҳам йўқотади. Н. Исмоилова ҳам ана шундай касалга чалинди. Ўз хатоларини ўзи ҳам унутиб қўйди шекилли, у сайловолди йиғилишидан сўнг округ сайлов комиссиясига: «Менга ишонч билдирганлиги учун билим юрти колелктивига миннатдорчилик изҳор этаман. Депутатликка ўз номзодимни қўйишларига розилик бераман. Зиммамга юклатилган вазифаларни виждонан бажариш, сайловчиларнинг ишончларини оқлашга ваъда бераман»,— деб хат ёзди.

Исмоилова бошқа барча айбларидан ташқари молиявий-хўжалик фаолиятида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйганлигини кўра-била туриб, шу хатни ёзди. Аммо ҳали ҳам кеч эмас эди. Округ сайлов комиссиясига яна бир хат йўллаб, ўз номзодини рўйхатдан чиқариб ташлашларини илтимос қилиши мумкин эди. Афсуски, у бундай қилмади.

Табиийки. Исмоилованинг ҳомийлари ҳам йўқ эмасди. Чунончи шаҳар партия комитетини ташкилий бўлимининг собиқ мудири В. Семенов депутатликка номзодлар рўйхатини бир неча марта қўлдан ўтказган. Шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи секретари П. Юсупов билан шаҳар Совети ижроия комитетининг ҳозирги раиси Н. Шарипов ҳам директорнинг номзодини «ўтказиб» юбордилар.

Шаҳар партия комитетининг секретари Н. Савченко шу медицина билим юрти ишини назорат қиларди. У ҳамон ишлаяпти. Ундан сўрадим: «Қаттиқ партиявий жазо олган коммунист қандай қилиб депутатликка номзодликка тавсия этилди?» Нина Кирилловна савол тугамасданоқ эътироз билдирди: «Бундай бўлиши мумкин эмас!» Коммунист Исмоилованинг ҳисоб карточкасини сўраб олишга тўғри келди. Савченко унга тикилиб, гўё ўзининг кўзларига ҳам ишонмай қолди. Лекин шунга қарамай қандайдир англашилмовчилик рўй берганлигини, шунчаки эътиборсизлик қилиб қўрмай қолганликларини исботламоқчи бўлди.

Кўрмай қолдилар эмас, аксинча, қош қўяман деб кўз чиқардилар. Оқибатда илгари анча актив бўлган дурустгина бир одам бошқа одамга айланиб қолди. Директорни яна депутат қилиб сайладилар ва бу янги «ишонч» уни янги-янги ҳийла-найрангларга етаклади. Чунончи, унинг кўрсатмаси билан Республика соғлиқни сақлаш министрлигининг рухсатисиз ўнлаб абитуриентлар билим юртига планга қўшимча тарзда қабул қилинди. Қабул комиссияси составида бир неча йил давомида директорнинг қариндошлари ишлаб келдилар. Уларнинг ёрдами билан қонунлар ҳар томонлама бузиларди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш фақат директорнинг хоҳиш-иродаси билан амалга оширилди.

Ҳа, Исмоилова кўп номаъқул ишлар қилишга улгурди. Афтидан у ҳали — бери бу йўлдан қайтмасди. Бироқ Исмоилованинг қилмишларидан норози бўлган чирчиқликлар юқори ташкилотларга шикоят қила бошладилар. Шундан сўнг маҳаллий хомийлар чора кўришга мажбур бўлдилар: депутатликдан чақириб олишди, директор лавозимидан бўшатишди.

Бизнинг мамлакатимизда депутатлар катта ишончга эгадирлар. Сайловчилар улар учун овоз берар эканлар, ўз вакиллари юксак ғоявийлик ва социалистик ахлоқ тимсоли бўладилар, меҳнат ва турмушда ўрнак кўрсатадилар, деб қатъий ишонадилар. Хўш, кўп ҳолларда амалда қандай бўляпти?

Исмоилова билан юз берган воқеадан бир нарса яққол аён бўлиб турибди: унинг ўзи ҳам, хомийлари ҳам одамлар ишончини қадрлай олмадилар, менсимадилар.

Бундай аҳволни мушоҳада қилар экансан, шундай фикрга келасан киши: одамлар ишончини оқламаётган халқ депутатларига нисбатан ҳар доим ҳам талабчанлик қилинавермайди. Сайловчилар кўпинча депутатлар улар берган наказларни қандай бажараётганликларини билмайдилар ҳам. Депутатлар улар олдида ондасонда ҳисобот берадилар. Улардан ҳеч ким қатъий талаб қилмайди, шунинг учун ҳам ўз ишлари билан бўлиб кетиб, бамайлихотир юраверадилар.

Шу муносабат билан мен республика Олий Совети Президиумида сайловчиларнинг ўз бурчларини бажармаганликлари учун қайси депутатларни чақириб олганликлари хусусида қизиқдим. Қарангки, бундай сабаб билан бирорта ҳам депутат чақириб олинмабди. Ҳозирча фақат каттароқ жиноят содир қилган, хизмат мавқеини суиистеъмол этган ёки ахлоқий бузилишга йўл қўйган депутатларгина мандатларидан маҳрум қилиняпти, холос.

Ҳолбуки, кўпгина депутатлар ўз вазифаларини виждонан бажармаяптилар. Хизмат ва ишда дуруст бўлсаларда, депутат сифатида ҳеч қандай иш билан шуғулланмайдилар. Сессияларда шунчаки қатнашадилар, сўз олмайдилар, музокараларда иштирок этмайдилар. Турар-жойларда сайловчиларни қабул қилмайдилар. уларнинг наказларини бажармайдилар. Умуман олганда гўё улар халқ депутатлари эмас, қандайдир лоқайд кишилардан фарқ қилмайдилар. Бу ўринда, албатта, ижроия комитетларининг ўзлари айбдордирлар. Масалан, Тошкент область Совети ижроия комитети ўз вазифаларини бажаришларида депутатларга конкрет ёрдам кўрсатмайди. Областдаги халқ депутатларининг ярми бугунги кунда наказга эга эмаслар, улар воқеалардан яхши хабардор эмаслар. Ўтган йили 400 нафар область депутатидан бор-йўғи... учтагина депутатлик сўрови тушди, холос. Бу сўровлар ҳам кабинетларда аввалдан пухта тайёрланган эди. Шундай бўлса-да, улар тўла бажарилмай қолди.

Ўзбекистонда виждонан ишлайдиган депутатлар минглаб топилади. Яхши шароитлар яратиб берилган жойда улар яхши ишламоқдалар. Масалан, Наманган областида шаҳар ва қишлоқларнинг архитектураси — бадиий кўринишлари депутатларнинг ёрдамлари билан кескин ўзгариб бораяпти. Илгари ўз ҳолига ташлаб қўйилган қишлоқ клублари ва кинотеатрлардаги ишлар анча жонланди, дала шийпонлари капитал реконструкция қилинди. Ўнлаб комплекс қабул пунктлари қурилди. Корхоналар даволаш муассасаларига юзга яқин мамъурий ва хўжалик биноларини топширдилар. Одамлар ўз депутатларини ана шундай ғамхўрликлари учун ҳурмат қиладилар, қадрлайдилар. Меҳнаткашлар уларнинг кўпчилиги номзодини яна қайта халқ ҳокимияти органларига кўрсатмоқдалар.

В. АРТЕМЕНКО,
«ПРАВДА» мухбири
Ўзбекистон ССР.

(«ПРАВДА», 28 май).

МАКТАБДА АТЕИСТИК ТАРБИЯ

Тўйтепадаги Ҳамид Олимжон номли 43-мактабда мана қарийб икки йилдирки, атеистик тарбия тўғараги иш олиб бормоқда. Унга тажрибали педагог — география фани ўқитувчиси Мамлакат Қўшматова раҳбарлик қилади.

Бугина эмас, мактабдаги ҳамма синфларда атеистик бурчаклар ташкил этилган. Стендлар чиқарилиб, атеистик мавзуда тарбиявий соатлар ўтказилмоқда.

Атеистик тарбия тўғарагига 15 нафар ўқувчи бирлашган бўлиб, улар ҳар ойда 2 марта турли мавзуларда қизиқарли машғулотлар олиб боришмоқда. Тўгаракнинг иш планига «Илмий атеизм ва дин», «Инсон, космос, дин», «Ерда ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисида», «Янгича анъаналар ва атеистик тарбия» каби турли-туман мавзулар киритилган. Тўгаракнинг актив аъзоларидан Дилмурод Номозов, Зуҳра Қодирова, Нодира Эрназарова, Умида Ҳайдарова, Анора Одиловаларнинг атеизм ҳақида ёзган рефератлари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Тарих фани ўқитувчиси М. Раззоқова яқинда ўқувчилар учун «Атеистик тарбияни амалга ошириш йўллари» мавзусида доклад қилди. Шундан сўнг ўқувчилар билан «муқаддас» деб аталган жойларга экскурсиялар уюштирилди. Масалан, ўқувчилар мактаб яқинидаги «Киндик тепа»га боришди.

— Бу ерда эрамиздан олдинги V асрда қулдорлик давлати бўлганлигини археологлар аниқлаган. Буни сув хўжалиги экслуатацияси музейида кўриб, эшитиб, бу ер ҳеч қандай муқаддас жой эмаслигига ишондик. Хулосамиз тўғри чиқди, — дейди Муҳаббат Раззоқова, — «Кўк булоқ» деб аталган «муқаддас» жой ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Унинг суви яраларни даволайди, қулоқ оғриқни қолдиради деб эшитган халқ унга сиғинарди, ювинарди. Текшириб кўрилганда у оддий булоқлиги аниқланди. Планимизда «Парпи ота бува» ва бошқа шунга ўхшаш сохта «муқаддас» жойларга саёҳат қилишни планлаштириб қўйганмиз.

Атеистик тўгарак аъзолари «Дин ва фан» темасида мактабда музей ташкил этишни планлаштирганлар. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштиришларига ҳамда уларнинг ҳулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ф. САФМУЛЛИНА.

◆

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги 25-ўрта мактабда «Ёш атеист» клуби ташкил этилди. Унда юқори синфлардан 45 ўқувчи қатнашмоқда.

Бир ойда икки марта бўлаётган машғулотларда жамиятимизга ёт бўлган диний қарашлар, баъзи урф-одатларнинг зарари тўғрисида лекция ва суҳбатлар ҳамда савол-жавоблар ўтказилаётир. Синфларга бириктирилган клуб аъзолари атеистик темаларда суҳбатлар олиб боришда актив иштирок этяптилар.

Ўқувчилар билан «Атеизм уйи»га, тарих, халқлар дўстлиги, санъат ва табиат музейларига тез-тез экскурсиялар уюштириб турилибди.

Мактабда яқинда ташкил қилинган «Ёш атеистлар» музейи, ундаги «Диннинг пайдо бўлиши», «Ислом ва маърифат», «Хотин-қизлар ва шариат» каби стендлар ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Н. ФАХРИДДИНОВ.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Жаҳон газеталари саҳифаларида

Чет эл матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Руминияга расмий дўстона визитини, батафсил ёритмоқда, унинг совет—румин дўстлиги митингида сўзлаган нутқини мароқ билан шарҳламоқда. Руминияда чиқадиган «Скинтейя» газетасининг ёзишича, иккала мамлакат раҳбарларининг учрашуви чоғида халқаро аҳволнинг актуал проблемалари, совет — румин муносабатларини чуқурлаштиришнинг принципиал масалалари кўриб чиқилди, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланишга ўтиш, мавжуд можароларни сиёсий йўл билан бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Совет — румин дўстлиги митингида М. С. Горбачев ҳамжиҳатлик, жипслик ва бирлик социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг буюк зафаридир, деб таъкидлаганлигини уқдиради. Болгариянинг «Работническо дело» газетаси Социалистик давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари туфайли уларнинг хавфсизлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга, ҳарбий авантюра ишқибозларининг йўлини тўсишга муваффақ бўлинди, деб ёзди.

«Ўз сиёсий йўлини мустақил белгилаш, жаҳон социализми тақдири учун коллектив масъулият» — Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси М. С. Горбачевнинг Бухарестдаги нутқи текстини ана шундай сарлавҳа билан эълон қилди, газета, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар кенг кўламда ўзаро фойдали тажрибани баҳам кўриш ва ўртоқларча тенг ҳуқуқли ҳамкорлик негизига қурилиши керак, деб таъкидлади.

Англияда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси қуйидагиларни ёзади: совет раҳбари совет жамияти олдида турган жўн бўлмаган вазифаларни ҳал этишнинг асосий йўли — иш билан сўз бирлигида, сиёсатдаги ҳалоллик ва ошкоралиқдадир, деб яна бир бор таъкидлади. М. С. Горбачевнинг Бухарестдаги нутқи, деб қайд этади Японияниинг «Иомиури» газетаси, СССР раҳбарларининг комплекс социал-иқтисодий қайта қуришни амалга оширишга азму қарор қилганлигидан далолат беради. М. С. Горбачев Ғарбдаги раҳбарларни яна бир бор қуролсизланиш муаммоларига ёндашувда эзгу-ният ва реализм намоён этишга даъват этди.

(ТАСС, 27 май).

Покистон эълон қилинмаган урушда бевосита иштирок этмоқда

● ВАШИНГТОН. 27 май. (ТАСС). Покистон режими халқаро империализм ва реакция кучлари Афғонистон Демократик Республикасига қарши олиб бораётган эълон қилинмаган урушнинг фаол иштирокчисидир. «Вашингтон пост» газетасининг хабарларидан маълум бўлишича, юқорй лавозимли беш нафар Покистон генерали ва чиновникларидан тузилган махсус директорат Америка марказий разведка бошқармаси афғон аксилинқилобчи каллакесарларига ўтказиб бераётган қурол-яроғларни тақсимлашга беш йилдан бери раҳбарлик қилиб келмоқда. Газета улардан тўртта сининг номини келтиради. Булар — ташқи ишлар министри С. Ёқубхон, генерал-майор А. А. Раҳмон, генерал Раҳимиддин, шунингдек генерал Фазал Ҳақдир. Улар орқали 3 миллиард долларлик «ёрдам» аксилинқилобчиларга топширилди.

«Вашингтон пост» газетаси ўзи олган маълумотларга таяниб, каллакесарларни таъминлаш учун барпо этилган йўл ҳақида ёзади. «Марказий разведка бошқармаси бир қанча мамлакатлардан замонавий қуролларни сотиб олди. Уларнинг кўп қисми «озиқ-овқат товарлари», «инженерлик ускуналари» ва шунга ўхшаш ёзувли яшикларда Карочи портига етказиб берилди. У ердан эса юк машиналарида ва темир йўл орқали Пешовар ва Кветтадаги омборларга ташиб келтирилди. Шундан кейин Покистон директорати каллакесарларнинг қайси тўдаларига қанча қурол беришни ҳал қиладп. Газетанинг далолат беришича, Покистон генераллари аксилинқилобчилар учун МРБ тўплаган разведка маълумотларини душманларга топширадилар.

● ДЕҲЛИ, 27 май. (ТАСС). Покистон демократик жамоатчилиги Зиёул Ҳақ маъмуриятининг америкапараст сиёсатини қаттиқ танқид қилмоқда. Покистоннинг суверен Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушдаги иштироки давом этаётганлиги мамлакат учун асосий хавфдир, деб таъкидланади оппозициячи Таҳрики Истиқлол партияси раиси Асҳар хоннинг Покистонда чиқадиган «Муслим» газетасида эълон қилинган мақоласида. «Покистон бошидан кечираётган чуқур иқтисодий танглик, терроризмнинг авж олганлиги ва социал кескинлик кучайганлиги — буларнинг ҳаммаси афғон аксилинқилобчиларининг мамлакатда туриши оқибатидир. Зиёул Ҳақ режимининг афғон аксилинқилобчиларини қўллаб-қувватлаши Покистон учун фалокатли бўлди, мамлакатни граждан уруши ёқасига келтириб қўйди, унинг миллий мустақиллигига хавфни вужудга келтирди.

ФИДЖИДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН, 27 май. (ТАСС). 14 май кунги ҳарбий тўнтаришдан кейин сиёсий тангликка хўжалик соҳасидаги қийинчиликлар қўшилиб Фиджидаги аҳвол кескинлашди. Австралия билан Янги Зеландия ҳокимиятдан четлаштирилган бош министр Тимочи Бавадра ҳукматини қўллаб-қувватлаш юзасидан мамлакатга озиқ-овқат ва бошқа товарлар келтиришни тақиқлашни эълон қилгандан кейин ана шу қийинчиликлар вужудга келди.

Тўнтариш раҳбари подполковник Ситивени Рабука журналистларга Фиджи бош губернатори Пинайа Ганилау эълон қилган фавқулодда ҳолат камида 16 ой давом этиши керак, деб айтди. Унинг гапларига қараганда, мамлакат конституциясини қайта кўриб чиқиш ва янги сайлов тайёрлаш учун худди шунча вақт керак бўлади. Илгари эса Фиджида ярим йил ичида сайлов ўтказилади, деб хабар қилинган эди.

Шу вақт ичида АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Чарльз Редмэн «Фиджи таймс» газетасида сешанба куни пайдо бўлган давлат секретари Жорж Шульц Рабука асосий роль ўйнаётган Фиджи вақтли ҳукматини қўллаб-қувватлади, деган хабарни рад этди.



● КОБУЛ университетида таълим олаётган студентлар сони тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда унинг 13 та факультетида 10 минг нафар йигит ва қиз ўқияпти. Суратда: Қобул университети студентлари.

Л. Портер фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Ёз мавсуми бошланиши билан истироҳат боғлари гавжумлашиб кетади. Албатта, паркларда меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилган. Аммо ёшлар рақс майдончаларини ҳамон қўмсайдилар. Илгарилари ҳар бир боғда бундай майдончалар бор эди. Эндиликда уларнинг ўрнини «30 ёшдан ўтганлар клублари» эгаллади. Бу клубларга эътирозим йўқ. Лекин рақс майдончалари ҳам керак, деб ўйлайман. Ахир ёшлар шундай жойларда ўйинга тушиб, танишиб, дўстлашиб, турмуш қуриш тўғрисида аҳд-паймон қилган кезлар кўп бўлган-ку.

Менимча, паркларда, маданият саройларида, уйларида рақс кечаларини кенгроқ йўлга қўйиш керак. Мактабларда бал рақс машғулотлари ташкил этилса ҳам ёмон бўлмасди, чунки бу санъат болаларда гўзалликни шакллантириш билан бирга, уларни жисмоний баркамол ҳам қилади.

С. ЧИНАЕВ,
Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси.

ГАЗЕТХОН ТАКЛИФИ

РАҚС МАЙДОНЧАСИ КЕРАК

УЗБЕКИСТОНДА КЎП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИ. 70 1987

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Зулфия АТОУЛЛАЕВА,
шоира (Тожикистон).

— ШАРҚ хотин-қизлари ўтмишда ҳар жиҳатдан таҳқирланиб, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум ҳолда ҳаёт кечирган бўлса, Октябрь инқилоби туфайли улар озодликка чиқдилар, социалистик жамиятнинг фаол гражданларига айландилар. Эндиликда улар орасидан ўзининг ҳалол меҳнати билан элюртга танилган машҳур кишилар етишиб чиқаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Шуниси қувончлики, эндиликда ўзбек ва тожик халқларининг адабиёти ривожига хотин-қизлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Уларнинг турли мавзу ва жанрлардаги асарлари китобхонларнинг меҳр-муҳаббатларига сазовор бўлмоқда. Шу ўринда мен ўзбекистонлик бир қанча дугоналаримнинг китоблари республикангиз сарҳадларидан ўтиб мамлакатимиз китобхонларининг ҳам қўлига етиб бораётганлигидан мамнунман.

Ҳозирги пайтда совет адабиёти олдида турган масъулиятли вазифалар бир қаламкаш сифатида мени ҳам жуда кўп ўйлантиради. Бу борада Ю. Бондарев, В. Распутин, Ч. Айтматов сингари таниқли адиблар самарали ишлаётганлигига ҳавасим келади. Биз, тожик ва ўзбек совет адабиётининг вакиллари улардан ҳар қанча ўрнак олсак арзийди. Бугунги адабиёт ихлосмандлари қалбини ларзага соладиган, уларни ҳаётда фаол курашчи бўлишга ундайдиган қаҳрамонлар образини яратиш учун биз бутун истеъдод ва куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим. Жамиятимизда қайта қуриш ва янгиланиш амалга оширилаётган бир пайтда ёзувчиларнинг муҳим вазифаси — ана шу ўзгариш жараёнини тезлаштиришга ҳар томонлама ҳисса қўшиш, бадиий сўз имкониятларини мазкур умумхалқ ҳаракатига қаратишдан иборат деб ўйлайман.

ИНСОН

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ,
РСФСР.

Кечир, мен инсонни кечиргил, инсон, —
Россия, Европа, тарих қошида.
Сўқир офатларнинг даҳшати бу он
Юртим ва асримнинг тушмиш бошига.
Кечиргил, мен фақат инсонман ожиз,
Нобель тожи билан сийланган умид.
Чернобиль кулфатин қайтариб-қуйиб
Кетганлар, Сиз мени кечиринг, холис.
Айбдор фан ё одамзотми — қандай
шўриш бу?
Бугун нима бўлди, эрта не бўлар?
Недин огоҳ этди бизни Чернобиль,
Наҳот, назоратсиз қолган уруш бу?

Алвидо, алдамчи умидлар, хайр!
Ҳали ҳам кеч эмас, эсинг йиғ, дунё!
Ў, худо! Мен бугун худо бўлсам гар,
Ночор қолганинг чун кечиргил, худо!
Ҳудодир ўтларга ўзни ташлаган —
Реакторни тўсиб, ўзи ёнган жон.
Киев, Одессаларни қақшаб асраган,
Инсондай йўл тутди, чунки у инсон.
Мўътабар куйларда худо ниҳондир.
Ҳудо — вертолётчилар қутқарар такрор,
Хиросима даҳшатининг тенгдоши доктор
Гейл Россияга етиб келган инсондир.

Сирожиддин САИДОВ таржимаси.

Ислом ТУРКОЙ,
Озарбайжон.

МЕНМИ ГУНОҲКОРАМ, СЕНМИ ГУНОҲКОР?

Бу не бир савдоки, бу не мўъжиза,
Бир иш қилай дейман, қила олмайман.
Куним ҳам мўъжиза, туним мўъжиза,
Яшай ҳам олмайман, ўла олмайман.
Умримга кечиккан илк баҳормисан,
Тақдир гулимисан, ёққан қормисан?
Йўллар айросида дайдирман ночор,
Менми гуноҳкорам, сенми гуноҳкор?!
Тушганман савдонинг зўр гулханига,
Ўзим ўз ўтимда ёниблар кетдим.
Мослашдим шуҳратнинг феъли-пандига,
Айбимни мен энди тушуниб етдим.
Не ҳам қилолардим? Ёнарман, холис.
Бу толе, бу қисмат аччиқ беқиёс —
Олов қўллари-ла мени қучоқлар,
Менми гуноҳкорам, сенми гуноҳкор?!
Сапчалар тоғингда шишмай сарғаяр,
Кузган гина қилма, кузда нима айб?.
Умр боғимизни уриб кетар қор,
Уйлик-болаликмиз, бизда нима айб?..
Ғариб кўринади айтган сўзим ҳам,
Шуни акслантирар икки кўзим ҳам.
Сени йўқотганман, йўқман ўзим ҳам...
Ўзимни ўзимга қайтар десам гар,
Менми гуноҳкорам, сенми гуноҳкор?!
Найлай? Шундай умр — толеминг экан,
Сочимга қўнган қор эриган эмас...
Ораз сойи — ҳасрат, ўртада турган,
Милён йил оқса ҳам қуриган эмас.
Айтардинг:
Қўл етмас тоғсан, дарасан,
Соф сувсан, ҳавосан, оҳсан... кўрасан...
Бир пайт чақиргандинг милён карра сан...
Орқада ҳасрат бор, олдинда ғубор, —
Менми гуноҳкорам, сенми гуноҳкор?!

Миразиз Аъзам таржимаси.

«БОЛАЛИКНИНГ ОВОЗИ»

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, истеъдодли шоир Хуршид Даврон ўзининг «Қадрдон қуёш» (1979), «Шаҳардаги олма дарахти» (1979), «Тунги боғлар» (1981), «Учиб бораман қушлар билан» (1983), «Тўмариснинг кўзлари» (1984) сингари тўпламлари билан шеърият ихлосмандларининг эътиборига сазовор бўлди. «Лирика» сериясида чоп этилган «Болаликнинг овози» мажмуасига ижодкорнинг аввалги тўпламларидан саралаб олинган ва кейинги йилларда ёзган шеърлари киритилган. Мазкур шеърларда шоирнинг она-юрт, табиат манзаралари, болалик ва ёшликнинг унутилмас лавҳалари, ўтмиш ва келажак ҳақидаги ўйлари ўзига хос ташбеҳлар орқали ифодаланади.

«ОЛИС ТАБАССУМ СОЯСИ»

Муҳаммад Солиҳ ўзининг янгича овози билан ўзбек шеъриятида муносиб ўрин тутади. У ўзига хос поэтик фикрлаши ва янгича ташбеҳлари билан тенгқурлари орасида ажралиб туради. Мухтасар битик ва шеърларида шоир инсон руҳиятининг рангли манзараларини чизади, унинг мураккаб табиати хусусида гоҳ севинч, гоҳ қайғу билан ёниб фикрлайди, кишиларни жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлишга даъват этади.

«Олис табассум сояси» тўплами «Лирика» сериясида чоп этилиб, ундан М. Солиҳнинг кейинги йилларда турли мавзуларда яратган шеърлари ўрин олган.

«ЖАВЗО»

Шоир Азим Суюн ўзининг «Менинг осмоним» (1978), «Зарб» (1979), «Замин тақдири» (1981), «Хаёлот» (1984), «Зиё йўли» (1986) сингари шеърий китоблари билан назм ихлосмандларининг меҳр-муҳаббатини қозонган. У ўзининг китобхонларга «Лирика» сериясида тақдим этган тўпламини «Жавзо» деб рамзий номлаган. Китобдан ўрин олган шеърлар ва «Замин тақдири» достонида она-сайёрамиз тақдирига масъуллик, уруш ва тинчлик муаммоси, замондошларимизнинг маънавий дунёси атрофлича таҳлил қилинади. Шоирнинг турли мавзу ва шаклларда битилган эҳтиросли, ўйчан ва публицистик руҳдаги асарлари китобхонларни асло бефарқ қолдирмайди деган фикрдамиз.

«АСРАГАНИМ, АВАЙЛАГАНИМ»

Шоир Муҳаммад Раҳмоннинг «Мувозанат» (1976), «Яшил дарё» (1978), «Ижобат» (1984) шеърий тўпламлари, шунингдек, болаларга бағишланган «Момоқаймоқ» (1979), «Ёрға тушган камалак» (1982) китоблари чоп этилган. У ўз шеър ва достонларида табиат ва инсон муносабатини, кишиларнинг олижаноб фазилатларини улуғлайди. Шоир Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланган.

Ушбу мажмуа М. Раҳмоннинг аввалги йилларда нашр этилган китобларидан ва янги шеърларидан сараланиб жамланган.

Бу китоблар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ДЕЯРЛИ ҚЎЛ УРМАЙ КИР ЮВИШ МУМКИНМИ? МУМКИН!

«ВЯТКА-АВТОМАТ-14» кир ювиш машинаси деярлик ҳамма ишни ўзи бажаради: сувни зарур ҳароратгача иситади, кирни тозалаб ювади, оқартиради, синькалайди ва крахмаллайди, яхшилаб (5 марта) чаяди ва сувини сиқади, кейин эса автоматик равишда ўчади.

Уй бекаси фақат кир ювиш порошогини, кийим-кечакларни солиши, унинг кирланганлиги ва газлама турига қараб 14 программадан бирини териб, машинани ишга туширши керак, холос.

Машина кўпи билан бир йўла 4 кг қуруқ кийим-кечакни ювади.

Баҳоси — 400 сўм.

КИРОВДАГИ «ЭЛЕКТРОПРИБОР» ЗАВОДИ. «РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент агрегат заводи нормадан ортиқча материаллари, «Т 28х3», «Т 28х4» тракторларининг орқа ва олдинги мостлари учун эҳтиёт қисмларни ҳамда ғўзага ишлов берувчи барча моделдаги машиналарнинг редукторлари ва экиш аппаратлари учун

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ
Тошкент агрегат заводи (телефон 48-18-10).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ «ЯШИЛ ТЕАТРИ» БИНОСИДА
29 МАЙДАН БОШЛАБ ҲАР КУНИ
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

28—31 майда — «СЕН БЎЛМАСАНГ ЕНИМДА» (2 серияли ҳинд бадиий фильми).
1—3 июнда — «ЗОРРО» (2 серияли бадиий фильм, Франция-Италия маҳсулоти).
Билетлар «ЯШИЛ ТЕАТР» кассаларида соат 20.30 дан сотилади.
Сеанслар соат 22. 00 да бошланади.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ «ЯШИЛ ТЕАТРИ» БИНОСИДА
30 МАЙ СОАТ 19. 30 ДА

КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: БАХТИЁР ИХТИЁРОВ, ҲУСАН ШАРИПОВ, СУРЪАТ ПЎЛАТОВ, НАИМА ПЎЛАТОВА, МАРЯМ ИХТИЁРОВА, АДИБА МИРЗАЕВА;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари: МУҲАББАТ КАРИМОВА, МЕҲМОНАЛИ САЛИМОВ;

Солистлар: АБДУҲАМИД МАМАРАСУЛОВ, РАВШАН СОЛИҲОВ, ҲАКИМЖОН НОСИРОВ, АБДУШОИР САЛИМОВ, ЎСАРЖОН ЮСУПОВ, АБДУҚОДИР ХУДДИЕВ, НОИЛАХОН ОРТИҚОВА, НАСРИДДИН РУСТАМОВ, ШАВКАТЖОН ЗИЯМУҲАМЕДОВ ва бошқалар.

Билетлар боғ кассаларида сотилади.
Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

«Офицерлик—қаҳрамонона касб» ҳафталиги давом этмоқда





✻

● **РИБАЛКО номли Тошкент олий танк командирлари билим юртида кўплаб миллат вакиллари офицерлик касбини эгалламоқдалар. Суратларда: (чапдан ўнгга) билим юртининг шахсий состави рўйхатига абадий киритилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Мартехов музейида; ота изидан бориб офицерлик касбини танлаган курсант Роман Ленкин ўз отаси офицер Владимир Максимович билан «Танкчилар шуҳрати» ҳиёбони олдида.**

А. Мальцев фотолари.

✻

АДИБЛАР ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Шу кунларда республикамизда барча ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртлари ва мактабларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири яқинда Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Абдулла Орипов, таниқли шоир Жуманиёз Жабборов, ёш қаламкашлардан Исмоил Маҳмуд, Фарид Усмон ишчилар ҳузурида бўлдилар.

— Сизларнинг қалб кўрингиз, кўз нурингиз билан яратилаётган миллий буюмлар ўзбек халқининг фахридир, — деди учрашувда сўзга чиққан Туроб Тўла, — Улар на фақат республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам машҳурдир. Кўплаб хорижликлар ҳам Сизларнинг олтин қўлларингиз яратаётган тушадилар. Биз бу билан фахрланамиз ва ўз ижодимизда Сизларнинг меҳнатларингизни мадҳ этишга ҳаракат қиламиз...

Адиб шу билан бирга йиғилганларга республика қалам аҳлининг қайта қуриш жараёнидаги иштироки, уларнинг ижодий режалари ва муаммолари ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг шоирлар ўзларининг янги асарларидан намуналар ўқиб беришди.

З. ЖЎРАЕВА.

ЧАНГИДАГИ ЯНГИЛИК

Паркент районидаги Чанги қишлоғи аҳолиси ҳурсанд: бу ерда 370 ўринли янги клуб фойдаланишга топширилди. Эндиликда қишлоқ аҳли дам олиш кунларини ўзларининг севган машғулотлари билан шуғулланишлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерт программаларини томоша қилишлари ҳамда турли мавзуларга бағишланган лекция ва суҳбатларда иштирок этишлари мумкин. Мазкур клуб Энгельс номли совхоз қурилиш бригадаси ишчилари томонидан барпо этилган бўлиб, унда қурувчилардан Қ. Саидов, Т. Эргашев, П. Нурматовлар жонбозлик кўрсатишди.

М. МИРКАМОЛОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ САЁҲАТИ

Кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти, унинг область ва район бўлимлари актив иш олиб бормоқдалар. «Табиат ва инсон» мавзуида тез-тез кўрик-конкурслар уюштириб туриш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ғайрат билан ишлаётганларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш бу хайрли ишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Бундай чора-тадбирлар жамият ишини янада жонлантириб қолмасдан, унинг аъзолари сафи кенгайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Областимиз шаҳар ва районларида бу иш билан 361 мингдан зиёд турли касб эгалари шуғулланадилар. Улар она табиатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, кўпайтириш, чор-атрофни кўкаламзорлаштириш масалаларининг ижобий ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шунингдек, ўзлари яшаб турган территорияда аҳоли ўртасида инсон ва табиат мавзусига бағишланган лекция-суҳбатлар уюштирмоқдалар.

Яқинда табиатни муҳофаза қилиш область жамиятининг 1986 йилги «Табиат ва инсон» конкурсининг ғолибларидан бир группаси бепул йўлланма билан тақдирланиб, «Тошкент — Қўқон — Ҳамзабод» маршрути бўйлаб туристик сафарга юборилди. Группа составида Бекобод пахта тозалаш заводи ишчиси Н. Пўлатов, Оржоникидзе районидаги тикувчилик фабрикаси чевари Т. Тўраҳўжаева, Олмалиқ гилам фабрикаси ишчиси Л. Стряпунина каби жамиятнинг 30 га яқин активлари бор эдилар.

— Мен яшаётган Бўстонлиқ райони тоғ зонасида жойлашган, — дейди меҳнат ветерани Р. Шокимов. — Районимизда санаторийлар, лагерлар ва дам олиш уйлари мавжуд. Бу ерга ташриф буюрувчилар ёз ойларида анча кўпаяди. Уларнинг аксарияти дам олиш билан бир пайтда, гулзор ва майсазорларни пайҳон қилиб, ёнғоқ ҳамда бодомларнинг меваларини тўкиб-сочиб кетмоқдалар. Маҳаллий аҳоли ҳам бундан мустасно эмас. Шахсан ўзим пионер ва ўқувчилардан тузилган группанинг бошлиғи сифатида белгиланган территорияда юқоридаги каби салбий ҳолатларга қарши курашиб келаяпман.

Сафар қатнашчилари уч кун давомида Қўқон шаҳри ва Ҳамзабоддаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар билан танишдилар. XVIII асрнинг ноёб архитектура ёдгорликларидан бири бўлган Норбўтабий мадрасаси, Катта қабристон архитектура ансамбли, умр бўйи инқилоб ғоялари учун курашган оташин революционер шоир Ҳ. Ҳ. Ниёзий мақбараси, айниқса, 1820 йилда қурилган Жоме масжиди сафар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Уч қисмдан иборат бўлган мазкур масжид биноси 1982—1983 йилларда таъмирловчи уста Ш. Маҳмудов бригадаси томонидан реставрация қилинди. Бунинг учун 1 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Масжид ҳовлисига қурилган, миллий ва замонавий архитектура ютуқларини ўзида уйғунлаштирган кафе ва чойхона биноларидан ҳам ўзининг ички ва ташқи безаклари билан дарҳол кўзга ташланади.

Саёҳатчилар йўл-йўлакай Бағдод, Риштон, Олтиариқ ва Фарғона районлари аҳолиси турмуш маданиятини билан ҳам танишдилар.

— Менинг Фарғона водийсига, хусусан Қўқон шаҳри ва Ҳамзабоддга биринчи келишим, — дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашади табиатни муҳофаза қилиш жамияти Чиноз район президиумининг раиси М. Давронов. — Сафаримиз мобайнида узоқ ўтмиш дурдоналарини сақлаб қолиб, уларга замонавий сайқал бериш ва келажак авлод учун мерос қилиб қолдириш борасида партия ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишларни кўриб қувондик.

Г. ИЎЛДОШЕВА.

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

ОҒУНИНГ ОҒИР ЮКИ

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА қарши кураш оммавий тус олгандан сўнг ошхона, чойхона ва ресторанларда, кўча-кўйларда ичиб одамлар тинчлиги ва кайфиятини бузувчиларнинг таноби анча тортилди. Лекин орамизда ичкиликдан воз кечолмайдиган, ўзига-ўзининг кучи етмайдиган иродасиз кимсалар ҳам ҳали оз эмас. Энди улар жамоатчилик кўзидан яширинб, хонадонларда ичкиликбозликни давом эттирмоқдалар. Лекин касални яширсанг, ситмаси ошкор қилади. Хусусан, ичкилик деган касофат билан қаерда «ошна» бўлсанг, ўша ерда ошингга заҳар, бошингга кулфат солади. Қуйидаги икки мудҳиш воқеа бу фикримизга яққол мисолдир.

УЗ ОШИГА ЗАҲАР СОЛДИ

— АИБ АРОҚДА. Кўзимда гуноҳ йўқ. Мен уни ўлдирмоқчи эмас эдим. Мастлик қурсин, аччиқ устида...

— Сиз ичган ароқ, қанчалик қимматга тушганини тасаввур қиляпсизми? Бир кишининг ҳаёти жар ёқасидан қайтди. Иккинчидан, заводда шунча йил ишлаб, қаториан чоғингизда жиноятга қўл урдингиз.

— Ҳа, ҳа, — деди Поярков пешонасига муштлаган, — мен ўз қўли билан ўз ошига заҳар солган жиноятчиман.

Қилар ишни қилиб қўйиб, кеч бўлганда бошини деворга ураётган бу жиноятчи ким бўлди?..

Алексей Дмитриевич Поярков 1964 йилдан бери партия аъзоси, Тошкентдаги «Октябрь революцияси» вагон-ремонт заводида ишларди. Коллектив орасида ўзини қўй оғзидан чўп олмаган, ичкиликдан ҳазар қиладигандек тутарди. Аслида эса ичкиликбозликни уйга кўчирганлардан эди.

1987 йилнинг 4 февраль куни Поярков қўйнидан бир литр арақ чиқариб столга қўйди. Ошхонадан пиёз олиб чиқиб тўғради-да, шишалардан бирини очиб, юз грамм ичди. Бироз ўтгач, нафси ҳуруж қилиб яна икки юз граммни ичиб юборди. Бадани қизигач, кўзи Игорга ҳам илтифот қилди. Аммо у арақ ичишни рад этди. Қўлининг қайтиши ичкиликбоз, қилдан қийиқ ахтарувчи Алексейга жанжал чиқариш учун баҳона бўлди. Унинг эски касали қўзғаб, куёвига «Сенинг жойинг йўқ, гадосан, бўшат уйни», деган таънани юзига солиб, тўполонни авжига чиқара борди. Аммо на қизи Лена, на куёви Игорь ва на хотини гап аралаштиришмади. Аввалига аламини шишалардан олган пияниста, обдон кайфи ошгач, бегуноҳ куёвининг юрагига пичоқ санчиш билан кўнгли тинчиди.

Ярадор Игорь зудлик билан шифохонага олиб келинди. Врачлар 23 кун ўлим билан олишиб, ёш йигитнинг ҳаётини сақлаб қолишди.

Алексей Поярков суд курсисида ўтириб, ўз қилмишига жавоб берди. Кейинги пушаймон ўзингга душман, деб шуни айтишади-да.

СУВ БОШИДАН ЛОЙҚАЛАНАДИ

ШУНДАЙ, бу гап бекорга айтилмаган. Оқибати жиноят билан тугаётган кўпгина ножўя ичкиликбозликларни эсли-ҳушли кишилар уюштиришаётгани ачинарлидир. Ҳамза район Табибий кўчасидаги 87-уйда яшовчи Афанасий Хан ҳам ёш эмас, кўпни кўрган одам. Қизи Ирина туғилган кунига бағишлаб уйида зиёфат ташкил қилди. Зиёфатга Ҳамза районидаги 215- ва Ленин районидаги 218-мактабларнинг 9—10 синф ўқувчиларидан 20 га яқини — Иринанинг дўстлари таклиф этилди.

Ўтириш қизигандан қизиб борди. Ҳаётнинг ярим асрлик тузини тотиб қўйган Афанасий балоғатга етмаган ўспиринларга қизи Иринанинг соғлиғи, бахти учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилиб, ичкиликбозликни бошлаб берди. Ирина ҳам отасига жўр бўлиб ҳаммасининг баравар қадаҳ кўтаришини илтимос қилди. Қадаҳлар жаранг-журунги авжига чиқиб, ҳаммадан аввал эрка Иринанинг ўзи маст бўлиб қолди. Кейин унинг отаси ҳам кўп нарсани илғамайдиган даражага етди.

Энди гапни бу ёқдан эшитинг. Соат йигирма уч. Саёқ юрган таёқ ейди, деганларидек, Фақат кечаси дайдишни одат қилган Станислав Ли ўша куни синфдошлари Геннадий Ким, Ботир Салимов ва Владимир Магайларни эрташтириб ичкилизбозлик, ўйин-кулги авжига чиққан паллада Ириналар уйига кириб келишди. Бироз ўтгач, Станислав таниши Эдикни кўчага чақириб, бир вақтлар қарзга берган 30 сўмни қистади. Лекин жавоб кутиб ўтирмай, қўлидаги пичоқни Эдикнинг юрагига зарб билан санчди. Эндигина 17 баҳорни кўрган, ота-онасининг ёлғиз фарзанди Эдуард бевақт нобуд бўлади.

Ичкилик сероб бўлган зиёфат ташкилотчиси Афанасий Хан энди ҳеч нарса бўлмагандек, пинак бузмай юрибди. Ўғлини ортиқча эркалатиб ўстириб, уни безори ва қотилга айлантирган Тошкент шаҳар прокуратурасининг собиқ криминалист прокурори Борис Тимофеевич Ли ва узоқ йиллар юрист бўлиб ишлаб келган Светлана Леонидовна Лилар шу кунларда безори фарзандлари қилмишидан бош кўтаролмай қолишибди. Тарбиявий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган 215-мактабнинг раҳбарлари эса ер чизиб ўтиришибди.

Сув бошидан лойқаланади, деганлари шу. Ҳа, оғунинг юки оғир бўлади. Уйда ичингни ё кўчадами, барибир, ғам-ташвиш келтиради.

Х. УЗОҚОВ.

ЧАНГИДАГИ ЯНГИЛИК

Паркент районидаги Чанги қишлоғи аҳолиси ҳурсанд: бу ерда 370 ўринли янги клуб фойдаланишга топширилди. Эндиликда қишлоқ аҳли дам олиш кунларини ўзларининг севган машғулотлари билан шуғулланишлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерт программаларини томоша қилишлари ҳамда турли мавзуларга бағишланган лекция ва суҳбатларда иштирок этишлари мумкин. Мазкур клуб Энгельс номли совхоз қурилиш бригадаси ишчилари томонидан барпо этилган бўлиб, унда қурувчилардан Қ. Саидов, Т. Эргашев, П. Нурматовлар жонбозлик кўрсатишди.

М. МИРКАМОЛОВ.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32

Р. — 08773. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1581. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12